



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 15 август, № 157 (6087)


Жума

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



“Жиззах” махсус индустриал зонасида яна бир лойиҳани амалга оширишга киришилди.

50 баробар кўп ишлайди

Бу ерда “Ўзбекэнерго” ДАКнинг “Жиззах худудий электр тармоқлари корхонаси” очик акциядорлик жамияти Жанубий Корейнинг “Owell Corporation” компанияси билан имзолаган келишув битими асосида тежамкор электр ускуналари — светодиод лампалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ долларилек лойиҳа бўйича ташкил этилаётган янги қўшма корхонада йилига 2,5 миллион дона маҳсулотлар тайёрланади.

Шуниси диққатга сазоворки, янги қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган лампалар аввалгиларига қараганда 50 баробар кўп ишлаши билан бирга, электр энергияни 8-10 баробар кам сарфлайди.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Коллеж — корхона ҳамкорлиги

Яқинда Жалакудук хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомлаган Нафиса Абдусаматова, Наргиза Хошимова, Гулбахор Соипова ва Одинахон Турсуналиева диплом олиши биланок мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини бошлаб юбордилар.

Ушбу қизлар коллеж билан ёнма-ён жойлашган “Алёртекс” қўшма корхонасида амалиёт ўтаган пайтларида ўз касбларини пухта эгаллаган эдилар.

— Бундан уч йил олдин бизнинг тақлимимиз билан коллежда янги мутахассислик очилиб, унга ўттиз нафар ўқувчи қабул

қилинган эди, — дейди қўшма корхона директорининг ўринбосари Хурматилло Мадраҳимов. — Ана шу ёшлар бугун компьютерлар билан бошқариладиган йиғирув машиналарининг чинакам эгаларига айландилар.

Саидхон ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги ўқув йили арафасида

Қашқадарё вилояти маркази ва туманларида 123 та мактаб ярмаркаси ташкил қилинди.

Жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябргача давом этадиган мактаб бозоридида 26 турдаги зарур ўқув куроллари ва жиҳозлар савдоси йўлга қўйилди.

— Ўзига хос китоб байрамига айланган мактаб ярмаркаларида 417139 нафар ўқувчи эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда, асосан юртимизда ишлаб чиқарилган ўқув маҳсулотлари захираси шакллантирилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Курбон Исмоилов. — Шунингдек, 10 дан ортиқ кўчма савдо нуқталари, аҳоли гавжум бўлган жойларда мактабдан ташқари ярмаркалар ташкил қилиниб, тадбиркорлар жалб этилди. Уларда аҳолига қўшимча қўлайлик яратиш мақсадига барча турдаги тўлов терминаллари ўрнатилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қирқ оиланинг қўшимча даромади

Паркентлик хунарманд Зулхумор Эрматова 40 оилани қўшимча даромад манбаига эга қилди.

Гап шундаки, моҳир гиламдўз бундан сал аввалроқ иштиёқманд аёлларга хунармининг сир-асрорларини ўргатишга киришганди. Эндилкида шогирдларидан дастлабки 40 нафари уй ва рўзгор ишларидан ажралмаган ҳолда мустақил гилам тўқишини бошладилар. Хунарманднинг ўзи шогирдларига ҳар бир буюртма учун тегишли андоза асосида ёғочдан махсус ускуна ва дастгоҳлар етказиб бермоқда.

Аъъанавий услубда тўқилаётган ранг-баранг гилам ва гиламдўзлик маҳсулотларини қўл меҳнати мўъжизаларига менгашлари бежиз эмас. Асосий хом ашё — қўй жуну хунарманднинг катта меҳнати билан калавага, ўткир сеҳни ва нозик

диди билан сержило маҳсулотга айланади.

— Бу йил коллежни тамомладим, — дейди шогирдлардан бири Чарос Мусаева. — Энди шахсий бизнесини йўлга қўйиш ҳаракатидаман. Бу борада эгаллаган хунарим жуда кўл келади.

Хунарманднинг айтишича, Паркент гиламлари хорижда, айниқса, хари-доғриг экан. Унинг квадрат метри ташқи бозорда 1-1,5 минг АҚШ долларигача баҳолалиши шундан далолат беради. Эйтиборлиси, хунарманд ва унинг шогирдлари томонидан тўқилаётган маҳсулотлар ҳамкор фирмалар кўмагида 100 фойз экспортга чиқарилмоқда.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юртимизнинг энг азиз маскани — Мустақиллик майдони тўрида барчамизнинг қалбимиз кўридан жой олган дунёда ўхшаши йўқ монумент бор. Бу фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термилиб турган Бахтиёр она ҳайкали. Ўзбек онасининг сиймоси. Унга туташ Мустақиллик монументида Ер қурраси тасвирланган бўлиб, марказида мамлакатимиз харитаси акс этган. Унга катта ҳарфлар билан “ЎЗБЕКИСТОН” деб ёзиб қўйилган. Президентимиз тақлифига кўра, “Мустақиллик ва эзгулик монументи”, дея номланган бу бетакрор мажмуа ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи сифатида барчамизга чексиз гурур ҳамда ифтихор бағишлаб туради. Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлини ўзида ифода этади.

УЛУҒ МАҚСАДЛАР, ЮКСАК МАРРАЛАР

бунёдкор халқимизнинг орзу-интилишларида намоён бўлмоқда




Ҳадемай, истиқлолимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ушбу кутлуг айёмни муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилайётган айни кунларда турли соҳа вакиллари бўлган юртдошларимизнинг Ватанимиз ҳаётидаги туб ўзгаришларга доир билдирган ўй-мушоҳадаларига ўз фикр-мулоҳазаларимизни баҳоли кудрат уйғунлаштирган

ҳолда баён этишни ният қилдик. — Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори кўпчилик қатори, биз, маънавият соҳаси вакиллари ҳам катта куч-қувват бағишлайди, — дейди филология фанлари доктори, профессор

Маматкул Жўраев. — Қарорда ҳаётий бир ҳақиқат бош ғоя сифатида белгиланган: “Ким эдиғу ким бўлди?” Бу барҳам топган мустақил тузумдан кейин мамлакатимизда юзага келган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий вазият, уни бартараф этиш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёни, мураккаб синов ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтган халқимиз иродаси, шижоатини яққол ифодалади. Чунки айнан мустақиллик туфайли дунёда ўзбек деган миллат, Ўзбекистон деган давлат борлигини халқаро жамоатчилик билди, қисқа даврда улкан ривожланиш йўлини босиб ўтган юртимизнинг куч-қудрати, салоҳиятини барча тан олди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик остонасида Ватанимиз қандай аҳволда эди, яъни биз ўша кезларда ким эдик?

— Истиқлолга эришгунга қадар, биз ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолган мустамлака бир республика эдик, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Тўлқин Бобукулов. — Айрим рақамларга



мурожаат қилайлик. Шундай улкан худудга эга бўлган Иттифокда 1990 йилда 9 миллион ишсиз бўлса, унинг бир миллиони Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди. Энг ачинарлиси, биз қолоқ аграр ўлка эдик. Нима учун? Сабаби биз, асосан, аграр соҳада фаолият юритардик. Маҳсулотларнинг асосий қисми пахта хом ашёсидан иборат эди.

Унинг экспортдан келадиган тушум эса марказда қоларди. Айни ўша 1990-йилларда сановат корхоналари асосий воситаларининг эскириш даражаси 40 фойздан юқори бўлган. Бу эса, ўз навбатида, рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон бермасди.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг икки давлат раҳбарларининг алоҳида эътибори ва ташаббуслари самарасида мамлакатлари-

миз ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Барча соҳаларда изчил давом этаётган алоқалар барқарорлик ва тараққиётга эришиш йўлида мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

СУНЬ Лицзе:

«ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАН ФАХРЛАНСА АРСИЙДИ»

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎЗА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе билан суҳбатлашди.

— Хитой Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорликни юксак баҳолайди, — деди элчи Сунь Лицзе. — Тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқи доно ва узоқни кўра биладиган раҳбар, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Мамлакатингиз жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан муносабатларни муваффақиятли ривожлантираётгани ва минтақада хавфсизликнинг ишончли

кафолати экани халқаро даражада эътироф этилган, унинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти муносиб баҳоланмоқда. Давлат суверенитети ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, давлат қурилиши, миллий ўзликини англаш даражасини юксалтириш, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга босқичма-босқич ва изчил ўтиш, мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратиш бора-бора эришилган юксак самаралар Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатингиз шартларига тўлиқ жавоб берадиган ривожланишнинг “ўзбек модели” нечоғли тўғри ҳамда пухта ўйлангандан далолат беради. Халқ турмуш даражасини ошириш, аҳолининг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга қаратил-

ган сиёсатнинг мақсади ва моҳияти барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар самарадорлигининг асосий омилга айланмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланиб бораётгани танланган моделнинг ҳаётлилиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Бу иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, экспортнинг диверсификация қилинаётгани, хорижий инвестициялар ҳажми тобора ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Ушбу ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган исло-

хотлар ҳам тахсинга лойиқдир. Иқтисодиётда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар самарадорлигининг асосий омилга айланмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланиб бораётгани танланган моделнинг ҳаётлилиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Бу иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, экспортнинг диверсификация қилинаётгани, хорижий инвестициялар ҳажми тобора ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Ушбу ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан фармоиши билан жорий йилнинг август-сентябр ойларида умумхалқ хайрия ҳашари деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрлар оша ўтиб келаётган кўпбаъла эзгу қадриятлари, урф-одатлари мавжуд. Шулардан бири, шубҳасиз, халқимизга хос ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат ифодаси бўлган хашар-

дир. Айтиш жоизки, истиқлол шарофати билан хашар янгича мазмун-моҳият касб этиди ва ўзгача суръат олди.

Мухими, хашарда юртдошларимиз томонидан кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, кишлоқ ва шаҳарларимиз, қўйингки, юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилади, янги иншоотлар ишга туширилади.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда умумий қиймати

1,2 триллион сўмлик

янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босадиган ҳамда экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кенгайтириш бўйича кўрилган изчил чора-тадбирлар туфайли ана шундай салмоқли натижага эришилди.

(Давоми 2-бетда).



Бунёдкор эл саодати

Бугун Оролбўйи аҳли энг улуғ, энг азиз байрамимизни катта муваффақиятлар, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан, хуш кайфиятда қарши олмақда. Негаки, ҳар бир қадамда бунёдкорликнинг қудратини ҳис қилаёғимиз. Шунинг учун ҳам иккиланмай айтаемизки, биргина Нукус шаҳрига бундан беш-олти йил олдин келган одам унинг ҳозирги жамолини кўриб, ҳайратланиши аниқ. Бу ердаги янгидан барпо этилган сўлим хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар, мушташам тураржой ҳамда иншоотлар шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турибди.

«Libramont — 2014» қишлоқ хўжалиги ва паррандачилик маҳсулотларини намойиш этди

Яқинда Бельгиянинг Либрамонт шаҳридаги кўргазмалар марказида анъанавий «Libramont — 2014» халқаро қишлоқ хўжалиги ва паррандачилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Европадаги энг йирик анжуманлардан бири ҳисобланадиган мазкур кўргазмада қишлоқ ва ўрмончилик хўжалиги, чорвачилик соҳасига иктисослаштирилган етакчи компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган ранг-баранг маҳсулотлар, технология ва асбоб-ускуналар дунёнинг турли мамлакатларидан келган харидорлар эътиборига ҳавола этилди.

КўРГАЗМА

Кўргазма ҳар йили муайян соҳага бағишланади. Жорий йил саксонинчи мартаба ўтказилган ушбу халқаро тадбирнинг мавзуси «Еш фермерлар учун қишлоқ хўжалигидаги умумий сиёсат» деб номланди. Бу йил кўргазмада Европадаги, жумладан, Бельгиядаги 1800 нафар етакчи фермерлар, чорвадорлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини намойиш қилди. Кўргазма марказининг майдони 80 минг квадрат метрни ташкил этди. Ташкилотчиларнинг маълумотларига кўра, 200 минг нафардан зиёд киши, шу жумладан, бир қатор хорижий делегацияларнинг аъзолари кўргазма иши билан танишди.

Хусусан, Валлониянинг «АВЕ» чорвачилик уюшмаси директори Алан Хогге «Жахон» ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида республикада қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, Ўзбекистонда хорижий

компанияларнинг сармоввий фаолияти учун яратилган қулай шарт-шароитларни юқори баҳолади. — Ўзбекистон делегациясининг мазкур кўргазмадаги иштироки мамлакатингиз, унинг иқтисодий ва аграр соҳадаги салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини

берди, — деди у. — Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланиши суриялари ҳақидаги маълумотларда юртингизда эришилган муваффақиятли натижаларга ўз аксини топган. Шуниси қувонарлики, мураккаб йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсу-

қарув идораларининг раҳбарлари иштирок этди. Ушбу нуфузли кўргазма ишида мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси вакиллари ҳам қатнашди. Асосий эътибор намойиш этилаётган маҳсулотлар билан танишишга, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ўқун замонавий технологияларни жалб қилиш имконини берувчи узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Республикада илғор қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига сармояларни жалб қилиш мақсадида делегация томонидан ўтказилган музокаралар давомида Ўзбекистон аграр жаҳоси салоҳиятини тақдироти бўлиб ўтди. Унинг якунларида кўра, хорижий компаниялар вакиллари Ўзбекистоннинг манфаатдор ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканликларини билдирди.

лотларининг ҳажми икки баробарга, 2014 йилнинг биринчи ярмида эса 6,9 фоиз ошган. Уюшмамиз қорамолларнинг айрим зотларини кўпайтириши, шунингдек, фермер хўжалигини юритиш ва ташкиллаштириш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатишга иктисослашган. Ўзбекистондаги деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, шу мақсадда ўзбек тадбиркорлари билан ҳамкорлик масалаларини атрофлича муҳокама қилишга тайёрымиз.

У навбатда, «Horsch» компанияси (Германия) минтақавий менежери Жозеф Марфей 1984 йили Бавариянинг Зитценхоф кўрган худада ташкил этилган ўз компаниясининг ишлаб чиқариш майдонларида қишлоқ хўжалиги машиналари яратилишини ҳамда улар Европа ва МДХ мамлакатларида бозори қақон маҳсулот сифатида харид қилинаётганини айтди.

«Horsch» компанияси раҳбарияти таъминотчилар билан узоқ муддатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилишга катта аҳамият беради, — деди у. — Шу ўринда Ўзбекистон билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлга қўйилганини, компаниямиз мамлакатингиз бозорига фаолият кўрсатаётганига уч йилдан ошганини қайд этиш мақсада мувофиқдир.

Биз мамлакатингизда сан асот корхоналарини замонавий юқори

технология асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида экспорт салоҳиятини барқарор ўстириш, экспортга йўналтирилган, рақобатбардор маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилаётганидан хабардоримиз. Кўрилаётган чоратadbirlar юртингизга хорижий капитални жалб этишга ҳамда иқтисодиётнинг мустаҳкамланишига кўмаклашди.

Люксембургнинг «Махам» компанияси вакили Стефан Блиндерберг Ўзбекистон бозорининг жозибадор эканлигини қайд этар экан, истикболда қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналарни ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти мавжуд эканлигини таъкидлади.

— Хозирги даврда мамлакатингиз ҳукумати иқтисодиётнинг реал секторига техника ва технология юқалиши асосида мамлакатнинг рақобатбардорлик даражасини ошириш сиёсатини юритмоқда, — деди у. — Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва уларни модернизациялаш алоҳида эътибор талаб қилади. Сан аот тараққийётининг рамзи бўлган машинасозликнинг ҳамда бутловчи эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришнинг ривожига бу жараёнда етакчи ўринга эга бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.


Биз ўз маҳсулотларимизни дунёнинг кўплаб мамлакатларига тақлиф қилмоқдамиз. Ўзбекистон бозорининг истикболли эканлигини инобатга олган ҳолда, ўзбек тадбиркорлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёримиз.

«Жахон» АА, Брюссель

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилнинг июнь ойида евроҳудудда сан аот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми майдагига нисбатан 0,3 фоиз пасайган.

Кўрсаткичлар пасайди



Бу ҳақда Европа Иттифоқи статистика бошқармаси — «Eurostat» маълум қилди. Энг жиддий салбий кўрсаткич Ирландияда (-16,5 фоиз) қайд этилди. Мальта ва Францияда эса мос равишда 5,2 ҳамда 1,4 фоизлик ўсишга эришилди.

Қисқаси, ҳар бир мамлакатда қузатилган турлича ҳолат умумий натижанинг тушишига сабаб бўлди.

Ваҳолонки, аввалроқ, таҳлилчилар июнда ягона валюта бирлигига аъзо давлатларда сан аот ишлаб чиқариш ҳажми 0,4 фоиз ошди, деган тахминни илгари суришган эди.

Ёмғир тошқинга сабаб бўлди

АҚШнинг бир қатор штатларида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли тошқинлар келиб чиқди.

Хусусан, Небрасканин баъзи ҳудудларида сувнинг баландлиги бир метрдан ҳам ошган. Нью-Йорк ва Нью-Жерси штатларида эса аҳолини эвакуация қилиш ишлари олиб борилаётган. Уйлар тураржой биноларига жиддий зарар етган. Электр таъминоти узилиб қолган. Поездлар катнови вақтинча тўхтатилган. Кўчаларда автобиллар ҳам деярли ҳаракаatlanмапти. Ноқулай об-ҳаво шароити оқибатида йўлларда қолиб кетган хайдовчиларга қўқарувчилар ёрдам кўрсатмоқда. Қурбонлар ва жабранглар ҳақида маълумотлар йўқ.

Таркиби текширилди

Америка кимёгарлар жамиятининг конференциясида Бразилия қаҳваси таркибида кўплаб қутилмаган компонентлар учраши ҳақида сўз юритилди.



Жумладан, ўтказилган тадқиқотларда унинг таркибиде буддой, соя ўсимлиги дони, маккажўрчи, жавдар, арпа, крахмал сиропи каби қатор қўшимчалар борлиги аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, бу ингредиентлар инсон саломатлиги учун зарарли бўлмасда, қаҳва таъмини бузади. Қолаверса, кофеин қовуриш жараёнида дарах кипиги, унинг дони қолдиғи ҳам атайлаб аралаштирилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг бундай қаллоблика қўл уриши қаҳва етиштирилдиган даладарда ҳосил чўғи қамайиб кетаётгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яъни улар маҳсулот ўрнини тўлдиршида қисман бошқа компонентлардан ҳам фойдаланишди.

Бу йил Бразилияда 45 миллион қоқ қаҳва териб олиниши кутилмоқда. Бир йил олдин мазкур кўрсаткич 55 миллионгача ташкил этган эди.

Учадиган карнай

«OM Audio» компанияси мусиқа ихлосмандлари учун ноодатий симсиз карнай (колонка) яратди.

Уни «Bluetooth» тизимига эга ҳар қандай электрон жиҳозга улаш мумкин. Ишлаш механизми эса қуйидагича: мусиқа янграган вақтда маҳсул соҳаси магнит майдони ҳосил қилади ва натижада унинг устига жойлаштирилган шар шаклидаги карнай қисман ҳавога кўтарилади. Шу ҳолатда айланад, жанг сачади. Бунимомоша қилишининг ўзи кишига алоҳида завқ бағишлайди.

Ортиқча тишдан қутулди

Саудия Арабистонида 22 ёшлик эркекнинг бурни ичидан ўсиб чиққан тиш жарроҳлик йўли билан олиб ташланди.

Маълум қилинишича, бемор кейинги ўн йил давомида танасининг ушбу аъзосидан тез-тез қон кетишидан азият чеккан. Ниҳоят у шифокорларга мурожаат қилган. Рентген текширувларидан сўнгра, ортиқ келтириб чиқараётган сабаб аниқланган. Операция икки соат давом этган ва бемор ортиқча тишдан қутулган.

Ушбу жараён ҳақида «American Journal of Medical Case Reports» журналида чоп этилган мақолада батафсил хўба қилинган.

Кўниш вақтида кўнгилисизлик

Испаниянинг «Vueling Airlines» авиаконаниасига тегишли «A319» русумли йўловчи самолёти Флоренция (Италия) шаҳридаги халқаро аэропортга қўнаётган вақтда ёниб кетди.



оширганга. Ёнги юз берган вақтда самолётда 121 нафар йўловчи бўлган. Тезкор қўрилган чора-тадбирлар натижасида улардан ҳеч бирага зийн етмаган. Ут ўчириш гуруҳи вакиллари зудлик билан оловни сўндиришган.

Ёнги лайнер ерга қўнган пайтда келиб чиққан айтимокда. Лекин бунинг сабаби аниқ эмас. Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАНЛОВ

Китобни қадрлайдиган, уни севиб мутолаа қиладиганлар орамизда жуда кўп. Бугунги глобаллашув замонида ҳам китоб ўз қадр ва қимматини йўқотмаган.

Йилнинг энг яхши китоби

Хозир чоп этилаётган янги авлод китоблари ҳам кўриниши, ҳам дизайни, қоғоз ва муқоваларининг сифати, чоп этиш техникаларининг мукамаллиги билан ўтмишдошларидан мутлақо фарқ қилади. Бу саъй-ҳаракатларда, табиийки, мамлакатимиздаги мавжуд нашриёт уйлари, ноширлар, муҳаррирлардан тортиб, техник ходимларгача бўлган жамоанин фидокорона меҳнати мижассан. Шу боис ҳам Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир неча йилдан буюн «Йилнинг энг яхши китоби» Республика танлови ўтказиб келинмоқда. Юртимизда олтинчи бор ташкил этилаётган ушбу танлов республика нашриётларининг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, соҳада эришилган ютуқларни омаллаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаххих, расмом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиши билан янада аҳамиятлариди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу галги танловда иштирок этиш истагида бўлган нашриётлар август — октябрь ойлари давомида ижтимоий-сиёсий адабиёт, Ватан тарихи, ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти, болалар ва ўсимрлар адабиёти сингари йўналтирилган ўз маҳсулотларини намойиш этадилар. «Йилнинг энг яхши китоби»ни саралашда асарнинг мазмун-моҳияти, тахририй ноширлик даражаси, дизайнининг оригинал ечим, матбаа ижросининг сифати, нашрининг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамиятилиги инобатга олинади.

Танловда нашрлар барча номинациялар бўйича бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин. «Йилнинг энг яхши китоби» VI Республика кўрик-танлови қолиблари жорий йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида эълон қилинади.

Меъжуада ХОЛМАТОВА.

ЭЪЛОНЛАР

«Universal Realtor» МҶЗ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманларо судининг 2011 йил 30 майдаги 1-2757/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Кичик халқа йўли (собик ген. Узоқов) кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 115,52 кв.м., тураржой майдони 79,36 кв.м. бўлган 4-хонадан кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 15 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

Буюртмалар юқориде кўрсатилган манзилда иш қилари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш 2014 йил 12 сентябрь куни соат 15.00 да тўхтатилади.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закат пули тўрсидеги келишуви имзолагандан сўнгра объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МҶЗнинг ОАТБ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалида кўйидеги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (8-371) 150-35-55. www.realtor.uz E-mail: universal_realtor@mail.ru Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МҶЗ

Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилдиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Зарафшон шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2014 йил 16 апрелдаги 21-1306/956-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Техно Стар Зарафшон» ЖҶга тегишли, Зарафшон шаҳри, 12-микрорайонда жойлашган, умумий ер майдони 385,1 кв.м., қурилиш ости майдони 339,6 кв.м. бўлган минимаркет биноси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 409 845 899 сўм.**
2. Аукцион савдосига Зарафшон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Кармана тумани судининг 2013 йил 20 сентябрдаги 1-112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зарафшон шаҳри сан аот худада жойлашган, А, Б, В-литердаги 24 хонадан иборат, фойдаланиш майдони 587,1 кв.м., умумий майдони 705,2 кв.м., умумий ер майдони 12 938,0 кв.м. бўлган автокорхона мажмуаси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 031 612 979 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 5 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қилари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати — 2014 йил 3 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига Қизилтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 16 июлдаги 1-269-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилтепа тумани, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 2 700,0 кв.м., қурилиш майдони 410,76 кв.м. бўлган 2 қаватли 21 хонадан иборат ресторан савдо дўкони биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 896 756 053 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қилари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати — 2014 йил 17 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалида кўйидеги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти худадаги бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

маълум қилади:

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 19 июндаги И18 (6048)-сониде эълон қилинган тендер натижаларига кўра, «FORS Europe Ltd» компанияси голиб деб топилди.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Фуқаро муҳофазаси ва меҳнат муҳофазаси бўлими муҳандиси Улўбек Бўрибековга падари буюркуври

ШАЙХИ отаниннг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш...


Республикада молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётгани эса ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш имконини бераётди...

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ҳам шундай эзгу мақсадларга қарам бўлиб, амалий ишларни қўллаб-қувватлаётган...

«Қишлоқ қурилиш банк»:

Ободлик, бунёдкорлик, фаровонлик асоси

қурилиш банк" АТБ томонидан ўзлаштирилиб, уй-жойлар қурилишини молиялаштиришга жалб этилди...



тadbirkorlik кўникмаларини шакллантириш, бизнес-режа яратиш ҳамда кредит олиш тартибларига йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этилди...

Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк" 2010 йилдан буюн Марказий банк билан ҳамкорликда "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасини амалга ошириб келмоқда...



РЕКЛАМА УРНИДА

қуриши ўзгартиришда муҳим роль ўйнамоқда. Унинг 20 йиллик фаолияти мобайнида тўпланган тажриба, мустаҳкам молиявий пойдевор...

Банк стратегияси амалда республикадаги қўғалар билан ҳамкорлик қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг қўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ...



Қишлоқ чирой очмоқда

Мустақиллик йилларида одамлардаги эртанги кунга бўлган ишонч, она-Ватанга меҳр, юксак бунёдкорлик салоҳияти, қўлаверса, яратилаётган кулай шарт-шароитлар боис қишлоқларимиз жамоли тобора кўркамлашиб бораётди...

Кредитлар самарали йўналтирилмоқда

"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ молия бозорини нафақа таъминлаш стратегияси билан қўзғатилган бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари қишлоқларимиз киёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оқсатиришга хизмат қилапти...

Мижозлар эътирофи

— Бугунги кунда тadbirkorларнинг олдидаги долзарб вазифалардан бири, бу — қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир...

Замонавий технологиялар — амалиётга

Замонавий технологиялар жадал суратда ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда унга мос равишда глобал техник хиз-

Қишлоқ қурилиш банк

томонидан ҳам пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқارتтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш борасида амалий сайё-ҳаракатлар олиб борилаётганлиги...

Барқарор фаолият ва иқтисодий тараққиёт

"Қишлоқ қурилиш банк", моҳиятан, бугун юртимиз қишлоқларида замонавий қурилиш саноатини ривожлантириш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи, тафак-

Дарҳақиқат, 2009 — 2014 йиллар давомида аҳолининг 1 трлн. 729,1 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда банкнинг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан 2 трлн. 395,8 млрд. сўм миқдорда имтиёзли ипотека кредитлари йўналтирилиб, қишлоқ жойларда 39 720 та замонавий уй-жой қурилди...

— Кунда бўлмаса ҳам кунора банкка бориб тураемиз, — дейди Қизилтепа туманидаги "Шарқ қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Яров...

— Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган янги уй-жойлар қишлоқларимиз кўрқига қўрқ, чиройига чирой қўшмоқда. Биз ҳам банкнинг молиявий кўмаги билан шундай уйлардан бирининг соҳиби бўлидик...

лашга мўлжалланган ускуна олиб келиб ўрнатдик. Айна пайтда кунига ўртача 20500 та туҳум етиштирилиб, нафақат туманимиз, балки қўшни туманлардаги бозорларга ҳам узлуксиз равишда етказиб берилмоқда...

Барқарор фаолият ва иқтисодий тараққиёт

"Қишлоқ қурилиш банк", моҳиятан, бугун юртимиз қишлоқларида замонавий қурилиш саноатини ривожлантириш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи, тафак-

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.